



**METHODS OF USING TECHNICAL AND FORENSIC
TOOLS IN COMBATING CRIMES RELATED TO
EXTREMIST ACTIVITY AMONG YOUTH**

Abdumalik Karimov

Independent Researcher at the University of Public Security of the
Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17785853>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Extremism, virtual community, attempt, forensic examinations and their types, crime scene inspection, detection and investigation of crimes.

ABSTRACT

The article examines the issues of investigating crimes involving the recruitment of youth into criminal activity through the Internet, with a particular focus on the use of various types of forensic examinations and the application of criminalistic techniques. The study highlights the role of digital environments in facilitating extremist influence, the procedural significance of expert analysis, and the methodological approaches to conducting forensic inspections and crime-scene examinations in the context of identifying, disclosing, and investigating such offenses.

**МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНИЧЕСКИХ И
КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ
ПРЕСТУПЛЕНИЯМ, СВЯЗАННЫМ С ОСУЩЕСТВЛЕНИЕМ
ЭКСТРЕМИСТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ**

Абдумалик Каримов

Независимый соискатель Университета общественной безопасности Республики
Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17785853>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Экстремизм, виртуальное сообщество, покушение, производства экспертиз и их виды, осмотр место происшествия раскрытия и расследования преступлений.

ABSTRACT

В статье рассматриваются вопросы "расследования преступлений связанных вовлечения в преступную деятельность молодежи через интернет" с использованием различных видов экспертиз и применение крим техники.



ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИСТИК ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТЕХНИК- КРИМИНАЛИСТИК ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Абдумалик Каримов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат Хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17785853>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Экстремизм, виртуал
жамоат, жамоат
хавфсизлиги, криминалистик
техник воситалар, суд
Экспертизасининг тули
услублари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ёшлар орасида экстремистик фаолиятга қарши курашишга оид муносабатларни тартибга солувчи жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, экстремизм билан боғлиқ жиноятлар бўйича суриштирув ва дастлабки тергов олиб боришга ваколатли органларнинг фаолиятлари, замонавий усуллар ва услублардан фойдаланиш ҳамда концептуал ёндашувлар акс этган.

Дунёда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи турли кўринишдаги ҳаракатлар ва ахборот уруши авж олиб бормоқда. Бунда жамиятда экстремистик ғоялар асосидаги фаолиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш янги турлари оммалашиб бораётганлигини мазкур жиноятлар бўйича криминалистик услубиётни ва тактикани янада такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш лозимлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида етита устувор йўналишдан бири бўлган, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш йўналишида “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” кўрсатиб ўтилган. Мазкур масалалар Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақомини мустаҳкамлаш, мамлакатимиздаги ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига экстремизм ёки экстремистик фаолият билан боғлиқ жами 7 мартта қайд этилган ва уларнинг барчаси диний экстремизмни тақиқловчи нормаларни ўзида мужассам этган

Россия Федерациясининг Жиноят кодексининг 280, 282.1-282.4-моддаларида ҳам ушбу фаолият айнан диний экстремистик фаолият сифатида кўрсатилмаган яъни ҳар бир моддада экстремистик фаолият сифатида барча турдаги фаолиятни ўзида қамраб олади.



Бундан ташқари МДХга аъзо кўплаб давлатлар хусусан, Қозоғистон Республикаси¹, Қирғизистон Республикаси Беларус, Арманистон ёки Озарбайжон Республикаларида ҳам экстремистик фаолиятнинг айна қайсидир тури учун жавобгарлик алоҳида кўрсатилмаган.

В.И. Лебедевнинг таъкидлашича “жиноятчиларга қараганда тенг ёки яхши замонавий ускуналар билан қуролланган, ва уларни қўллаш олувчи полиция, тарғибот билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш мумкин”², деб таъкидлайди. Мазкур фикрлар ўринли албатта, криминалистик техника ҳар замон ва макон учун маълум турдаги жиноятларга қарши курашнинг усуллари ҳамда даллиларни топиш, аниқлаш, олишда махсус асбоб ускуналардан фойдаланишнинг илмий-назарий маълумотлар тизими ҳисобланади.

Миллий олимларимиздан ю.ф.д.профессор А.К.Закурлаев 2023 йилда чоп этилган “Криминалистика” 1-2 жилд дарслигида, “Йўл транспорт ходисаларида суриштирувчи ва терговчи томонидан эътибор қаратиладиган жихатлар” ўқув услубий қўлланмаси”, “ Ҳодиса содир бўлган жойда изларни топиш, мустаҳкамлаш ва олиб кўйиш” ўқув услубий қўлланма., Д.Базарова ва И.Р.Астановлар эса “Криминалистик техника”, “Техник-криминалистик ёрдам”, “Техник-криминалистик таъминот”, “Илмий-техник таъминот” тушунчалари ўзаро боғлиқ эканлигини ва барчаси пировардида криминалистик техникани ташкил этишини таъкидлашади³.

А.В.Богуславскийнинг фикрига кўра “Амалий фаолият учун криминалистлар томонидан фактик маълумотларни тўплаш, тадқиқ қилиш, баҳолаш ва фойдаланиш учун қўлланиладиган махсус методлар ишлаб чиқилган. Улар ўз навбатида техник-криминалистик ва тактик-криминалистик методларга бўлинади”⁴, деб ҳисоблайди. Мазкур фикрлардан маълум бўладики, криминалистик-техника жамиятда содир этилган ёки содир этилиши режалаштирилган ҳар қандай жиноят бўйича маълумотларни, далилларни аниқлаш, олиш, мустаҳкамлаш ёки тадқиқ этишда қўлланиладиган махсус асбоб, техник қурилмалар, махсус дастурлар ва бошқа воситалар бўйича билимлар тизими ҳисобланади.

Юқорида назарда тутилган жиноятларнинг энг кенг тарқалган усули сифатида ижтимоий тармоқлар орқали маълумотлар алмашиш, гуруҳлар тузиш, гуруҳ аъзоларига экстремистик фаолиятни тарғиб қилувчи маълумотларни юбориш ёки “виртуал жамоат” тузиш орқали экстремистик фаолиятни амалга ошириш ёхуд уни бошқариш бўлиб ҳисобланади.

Экстремистик фаолиятга тарғиб қилувчи ахборотларни ижтимоий тармоқлар орқали тарқатишнинг криминалистик техникавий жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати мавжудлиги маълум бўлмоқда. Мазкур йўналишда криминалистик

¹ Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2022 г.) <https://online.zakon.kz/>

² Лебедев В.И. Искусство раскрытия преступлений. Т. 1. Дактилоскопия. – СПб., 1909. – С.4.

³ Базарова Д., Астанов И.Р. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик.. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б.22-78.

⁴ Богуславский А.В. Сущносттактико-криминалистического обеспечения раскрытия и расследования преступлений//Вестн.Владимир.юрид.инта Федеральнойслужбыисполнения наказаний. – 2009.– №4.– С.48.



техникани асосий йўналишларидан саналган қўйидаги йўналишлар экстремистик фаолият билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда бирламчи аҳамият касб этади:

- криминлистик фотография ,видеоёзув ва аудио ёзув;
- қўлёзма матнларнинг криминалистик тадқиқотлари;
- ҳужжатларни криминалистик-техник тадқиқотлари;
- рақамли криминалистик воситалар тадқиқоти;
- Комптер ва фонография экспертизаси
- криминалистик трассология, баллистика ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган криминалистик техниканинг йўналишлари экстремизм, хусусан ёшлар орасида диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларни фoш этиш ва уларга қарши курашишда фойдаланиш имконияти беради.

Жиноят ишлари таҳлиллари қўйидаги хулосаларни амалга ошириш имконини беради, чунончи ёшлар орасида диний экстремистик материалларни “реелс” кўринишидаги қисқа метражли видеоёзувлар, аудиоёзувлар, нашидалар, кичик постлар кўринишида оммалаштирилади.

Бунда жамият учун маълум бўлган айрим янгиликларга диндаги муносабат, танқидий блоклар ва бошқа кўринишда амалга оширилади. Шунингдек бунда кўришлар сонидан ҳамда лайк ёки дислайклар, постга фикрлар ёрдамида уларнинг кенгроқ ёйилишига имкон беради⁵. Ижтимоий тармоқ алгоритмлари шундай ишлаб чиқилганки, тармоқ фойдаланувчиси асосан қайси мавзудаги видео ёки бошқа постларни кўришига қараб худди шу мазмундаги видео ёки бошқа постларни тақдим этади⁶.

Далолатчилар (диний экстремистик фаолият тарғиботчилари)ни ижтимоий тармоқларда ўз каналлари ва гуруҳлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда улар мазкур канал ёки гуруҳлар икки шаклда фаолият юритишига имкон бермоқда. Гуруҳларга ёшларни жалб этишда дастлаб очиқ гуруҳ ёки каналларга таклиф этиш орқали, сўнгра уларни бу борада чуқурроқ билим, ахборот олишларини таклиф этиб ёпиқ гуруҳ ёки каналларга уларни жалб этмоқдалар⁷.

Жиноят ишлари таҳлили, бу борада ёшларни дастлабки тарғиботи айнан постларга ёки “реелс”ларга лайк босган ёки бу борада ижобий мазмундаги “коммент” фикр ёзган шахсларга алоқага чиқиш орқали амалга ошираётганлигини кўрсатмоқда.

Демак диний экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти террорчилик актларини бажариш учун тайёрланувчи шахслар ҳисобланади.

⁵ Гришай Е.В., Шубакин А.А. Радикализация молодежи по средствам влияния деструктивного контента сети "Интернет" // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2021. № 6. С. 23-28.

⁶ Забулов О.Н., Шушпанова И.С. Информационно-пропагандистское противодействие терроризму: взгляд молодого поколения // Наука. Культура. Общество. 2022. Т. 28. № 3. С. 36-49.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг эксперт криминалистика бош маркази маълумотномаси кириш рақами № 3530.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 8-сентябр, ПҚ-270-сон “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори



Хулоса қилиб айтганда ёшлар орасида экстремистик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда техник-криминалистик воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, терговни самарали ташкил этиш ва режалаштиришда умумий ва алоҳида тусмол (версия)ларни ишлаб чиқиш ва уларни тергов йўли билан текширишда катта аҳамиятга эга;

Иккинчидан, ёшлар орасида экстремистик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларининг мазмунини, улар ўртасидаги боғлиқликни ва ўзаро алоқаларни ўрганиш жиноят содир этган шахс ҳақида тусмол (версия)ларни ишлаб чиқишга ҳамда уни содир этган шахснинг қидирувини самарали ташкил этишга ёрдам бериши мумкин.

Учинчидан, ёшлар орасида экстремистик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ жиноятлари бўйича ишлаб чиқилган тергов режасини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда айбдорлар доирасини тўла ва аниқ белгилаш, уларни процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда ва меъёрда жавобгарликка тортишга имкон берувчи зарурий маълумотларни олишда аҳамиятли саналади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>. – Т.: 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 244¹-модда, 244²-модда., 246-модда. Контрабанда. моддалари / Қонун ҳужжатлари миллий базаси // <https://www.lex.uz/acts/111453>
3. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 г. N 63-ФЗ https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
4. Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2022 г.) <https://online.zakon.kz/>
5. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 19. URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527> мурожаат санаси 24.08.2022 йил
6. Уголовный Кодекс Республики Беларусь 275-3 от 9.07.1999 г.
7. Уголовный кодекс Республики Армения от 1 сентября 1998 года №ЗР-248
8. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.06.2022 г.)
9. Лебедев В.И. Искусство раскрытия преступлений. Т. 1. Дактилоскопия. – СПб., 1909. – С.4.
10. <https://online.zakon.kz/>
11. Лебедев В.И. Искусство раскрытия преступлений. Т. 1. Дактилоскопия. – СПб., 1909. – С.4.
12. А.К.Закурлаев 2023 йилда чоп этилган “Криминалистика” 1-2 жилд дарслигида, “Йўл транспорт ходисаларида суриштирувчи ва терговчи томонидан



эътибор қаратиладиган жихатлар” ўқув услубий кўлланмаси”, “ Ҳодиса содир бўлган жойда изларни топиш, мустаҳкамлаш ва олиб кўйиш” ўқув услубий кўлланма

13. Базарова Д., Астанов И.Р. Криминалистика ва экспертиза. Дарслик.. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б.22-78.

14. Богуславский А.В. Сущносттактико-криминалистического обеспечения раскрытия и расследования преступлений // Вестн. Владимир. юридинта Федеральной службы исполнения наказаний. – 2009. – №4. – С.48.

15. ¹⁴ Гришай Е.В., Шубакин А.А. Радикализация молодежи по средствам влияния деструктивного контента сети "Интернет" // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2021. № 6. С. 23-28.

16. Забулов О.Н., Шушпанова И.С. Информационно-пропагандистское противодействие терроризму: взгляд молодого поколения // Наука. Культура. Общество. 2022. Т. 28. № 3. С. 36-49.

17. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг эксперт криминалистика бош маркази маълумотномаси кириш рақами № 3530.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 8-сентябр, ПҚ-270-сон “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори

19. Гришай Е.В., Шубакин А.А. Радикализация молодежи по средствам влияния деструктивного контента сети "Интернет" // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2021. № 6. С. 23-28.

20. Забулов О.Н., Шушпанова И.С. Информационно-пропагандистское противодействие терроризму: взгляд молодого поколения // Наука. Культура. Общество. 2022. Т. 28. № 3. С. 36-49.

21. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг эксперт криминалистика бош маркази маълумотномаси кириш рақами № 3530.

22. Нурмухаммедова, Г. (2025). Соотношение коррупционных и квазикоррупционных деяний: уголовно-правовая доктрина Узбекистана и сравнительный анализ. Общество и инновации, 6(3), 209–230. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp209-230>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 8-сентябр, ПҚ-270-сон “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори

24. Усманова М. А., Ахмедова М. Т. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР // Ta'lim fidoyilari. – 2022. – Т. 15. – №. 1. – С. 162-167.

25. Закурлаев А. К. ТЕРГОВ ВА СУД ЖАРАЁНИДА ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ // Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2025. – Т. 5. – №. 5. – С. 15-23.